“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзмиллийбанк” акциядорлик
жамиятининг
25.12.2019 йилдаги 1-сонли таъсисчилар
йиғилишининг баённомаси билан

Йиғилиш раиси, Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг биринчи ўринбосари
Т.А. Ишметов _____

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
№ 22-1
«30» декабр 2019 йил

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси ўринбосари
_____ Б.Э. Захидов

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ УСТАВИ

Тошкент – 2019 йил.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда “Банк” деб аталади, банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, кредитлар беришни амалга ошириш, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни амалга оширувчи тижорат ташкилоти.

1.2. Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 7 сентябрдаги ПФ-244-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш туғрисида”ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 ноябрдаги ПҚ-4540-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Банк акциядорлик жамиятига ўзгартириш йули билан қайта ташкил этилди.

Банк “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” унитар корхонасини барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Банк ўз фаолиятини акциядорлик жамияти шаклида амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг банк тизимига киради ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек мазкур уставга мувофиқ олиб боради.

1.4. Банкнинг фирма номи:

ўзбек тилида (кирил алифбосида): тўлиқ номи - “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти, қисқартирилган номи - Ўзмиллийбанк;

ўзбек тилида (лотин алифбосида): тўлиқ номи - “O‘zbekiston Respublikasi Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki” aksiyadorlik jamiyati, қисқартирилган номи - O‘zmilliybank;

рус тилида: тўлиқ номи - акционерное общество «Национальный банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан», қисқартирилган номи - Узнацбанк;

инглиз тилида: тўлиқ номи - Joint-stock company «National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan», қисқартирилган номи – NBU.

1.5. Банкнинг жойлашган жойи (почта манзили): 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй

Банкнинг электрон почта манзили: info@nbu.uz ва webmaster@nbu.uz.

1.6. Банк юридик шахс бўлиб, ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан, ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Банк давлат тилида тўлиқ фирма номи ёзилган ва ўзининг эмблема (логотипи) тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда Банкнинг фирма номи бошқа исталган тилда кўрсатилиши мумкин), шунингдек ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига эга бўлишига ҳақлидир. Банк ўзининг шахсий эмблемаси, шунингдек бошқа визуал идентификация белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.8. Банк ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади. Банк молиявий операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

1.9. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади.

1.10. Акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланмайди ва Банкнинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар юзасидан ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида таваккалчилик хавфларини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланмайди.

Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банк мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банк ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

1.11. Банкнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Банк акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

1.12. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда “Марказий банк” деб аталади) томонидан бериладиган банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширади.

1.13. Банкнинг устави, унга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Банкнинг ички қоидалари, шунингдек уларга киритиладиган кейинги ўзгартиш ҳамда қўшимчалар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилиши ҳамда Марказий банкка тақдим этилиши керак.

II. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

2.1. Банк фаолиятининг асосий устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

хорижий кредит линиялари, халқаро капитал бозоридаги ресурслар, хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш орқали иқтисодиётнинг устувор секторларида йирик инвестицион лойиҳаларни фаол равишда кредитлаш;

хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини ошириш учун инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият масалаларида молиявий маслаҳатлар бериш ва ахборот кўмагини кўрсатиш;

аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш;

биринчи навбатда миллий валютадаги узоқ муддатли маблағларни сафарбар қилиш ҳисобига банк фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш;

савдо-экспорт молиялаштириш бизнеси маҳсулотларини ривожлантириш ва унинг географиясини кенгайтириш, шунингдек, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш, экспорт қилувчиларга консалтинг хизматларини тақдим этиш;

корпоратив мижозларга инвестицион банкинг, жумладан ички ва ташқи бозорларда қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш хизматларини кўрсатиш;

банкнинг ривожлантириш стратегиясида кўрсатилган мақсад, вазифаларни ва тадбирларни амалга ошириш.

2.2. Банк ўз фаолиятида кредит, молия, ҳисоб-китоб, касса ва бошқа банк хизматларини миллий ва хорижий валютада кўрсатади, шу жумладан:

жисмоний ва юридик шахслардан, шу жумладан хорижий шахслардан миллий ва ҳорижий валютада ҳисоб-варақаларга ва омонатларга маблағлар қабул қилади, шунингдек, банклар ва бошқа кредит ташкилотларнинг ҳисоб-варақалари ва омонатлари, қимматли қоғозлари ва бошқа молиявий воситаларига маблағларни жойлаштиради;

халқаро банк амалиётида қўлланиладиган шаклларда хорижий банклар ва бошқа ташкилотларнинг кредит ва қарзларини жалб этади;

тўловларни, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан, амалга оширади, касса ва инкассация хизматларини амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очади ҳамда юритади;

жисмоний ва юридик шахсларга кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобидан беради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элда хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш (банкнотлар, ғазна қоғозлари, тангалар), тўлов ҳужжатларини (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва ҳ.з.) халқаро банк амалиётига мувофиқ хорижий валютадаги ва бошқа валюта қийматларида, шунингдек нақд ва нақдсиз шаклларда хорижий ва миллий валютада бошқа операцияларни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқаради, мижозлар номидан активлар портфелини бошқаради;

учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятларини бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар беради ва бошқа мажбуриятларни қабул қилади;

учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олади (факторинг);

қимматли қоғозлар чиқаради, харид қилади, сотади, уларнинг ҳисобини юритади ва сақлайди, мижоз билан тузилган шартномага асосан қимматли қоғозларни бошқаради ва улар билан боғлиқ бошқа операцияларни бажаради;

аффинланган қимматбаҳо металлар сотиб олади ва сотади, шу жумладан металларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритади, ички ва халқаро бозорларда қимматбаҳо металлар билан бошқа операцияларни амалга оширади;

ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга оширади;

ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни хамда терминалар, банкоматлар ва бошқа мулкни ижарага беради, лизинг операцияларини амалга оширади;

банк карталарини беради ва тўловларни амалга оширади, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатади;

замонавий банк маҳсулотлари ва теҳнологияларини жорий этади, шунингдек масофадан туриб ва контактсиз банк ҳисобрақамларига хизмат кўрсатади;

молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматларини кўрсатади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа молиявий операцияларни амалга оширади.

2.3. Банк қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошира олади.

2.4. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

III. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни бажариш учун Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ, иқтисодиётнинг устувор йўналишлари бўйича лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади;

банк-молия хизматлари бозорида ривожлантириш стратегияси ва дастурларни ишлаб чиқади, шунингдек кредит, инвестиция, дивидендлар, эмиссия ва бошқа сиёсатларни мустақил равишда белгилайди ва амалга оширади;

шартномалар асосида актив ва пассив операциялар учун фоиз ставкаларини белгилайди, шунингдек индивидуал тарифларни белгилаш масалаларида мижозларга мослашувчан ҳолда кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган хақ миқдорини белгилайди;

ўрнатилган тартибда ваколатхоналар, филиаллар, хорижий мамлакатларда банкнинг шўъбаларини ташкил этади;

ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга оширади;

мустақил равишда ўзининг хўжалик, молиявий ва тижорат фаолиятини режалаштиради ва ташкил этади, мустақил равишда Банк ходимларининг иш тартиби, иш ҳақи миқдори ва иш ҳақини тўлаш механизмини белгилайди;

ўз молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш;

Қонунчиликка мувофиқ Банк бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Банкнинг мажбуриятлари:

Марказий банк томонидан Марказий банкда маблағларни резервлаш талаблари ва ўрнатилган иқтисодий нормативларга риоя этиш;

Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал нормативларга риоя этиш;

ўз капитали ва ликвидли ресурсларининг етарли миқдорини таъминлаш, йўқотишлар хавфини камайтириш мақсадида активларни диверсификация қилиш;

қонун ҳужжатларига асосан кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва бошқа сиёсатларни, шунингдек Банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ички норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

қонунчиликка мувофиқ буҳгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи талабларига риоя қилиш;

мижозларнинг ҳисобварақларидаги маблағларни бутлигини таъминлаш;

ўз мижозлари ва корреспондентлари билан боғлиқ операциялар, ҳисобварақлар ҳамда уларнинг жамғармаларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни сир сақлаш;

Марказий банк томонидан ички назорат ва таваккалчиликларни бошқариш тизимига қўйиладиган талабларга риоя қилиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банкка нисбатан ўрнатилган бошқа талабларни бажариш.

IV. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Банкнинг устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинган Банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланилади. Банкнинг устав капитали Банк кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган жамият мол-мулкининг энг кам миқдорини белгилайди.

4.2. Банкнинг устав капитал миқдори 11 582 700 201 000 (ўн бир триллион беш юз саксон икки миллиард етти юз миллион икки юз бир минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 11 582 700 201 (ўн бир миллиард беш юз саксон икки миллион етти юз минг икки юз бир) дона эгасининг номи ёзилган оддий жойлаштирилган акциялардан иборат.

4.3. Банкнинг эълон қилинган (қўшимча) чиқарилиши мўмкин бўлган акцияларнинг энг кўп миқдори 1 000 000 000 (бир миллиард) дона номинал қиймати 1 000 (минг) сўмлик оддий акциялар ташкил қилади.

4.4. Банкнинг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларини жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.5. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.6. Банкнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

4.7. Банк устав капиталини камайтирилиши натижасида унинг миқдори банклар устав капиталининг қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Банк устав капитали миқдорини камайтиришга ҳақли эмас.

4.8. Қонунчиликда аниқ назарда тутилган ҳолларда, Банк устав капиталининг камайганлиги тўғрисидаги маълумотни эълон қилиши мажбур.

V. БАНК АКЦИЯЛАРИНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ. БАНК АКЦИЯЛАРИНИ, БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Банкнинг акциялари эгасининг номи кўрсатилган оддий эмиссиявий қимматли қоғозлар. Банк фақат оддий акцияларни чиқариши мумкин.

5.2. Банк акцияларининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

5.3. Банк чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир ҳил бўлиши лозим.

5.4. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш усуллари қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

5.5. Банкнинг қўшимча акцияларига ҳақ тўланиши ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати доирасида тўланиши лозим. Банк акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Акциянинг қиймати тўлиқ тўланмаган ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олинмагунга қадар, акция овоз ҳуқуқини бермайди.

5.6. Акциядорлар ўзларининг устувор ҳуқуқидан фойдаланмаган ҳолларда, Банк ўз акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларини сотиб олиш бўйича устувор ҳуқуқга эга.

5.7. Банк корпоратив облигацияларни (шунингдек еврооблигацияларни) ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштиришга ҳақли. Корпоратив облигацияларига ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Банк томонидан корпоратив облигацияларни (шунингдек еврооблигацияларни) ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш Банкнинг Кузатув кенгаши қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VI. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;

бошқа акциядорлар томонидан сотилган акцияларни нархи ва шартлари бўйича учинчи томонга ҳар бирига тегишли бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқлардан фойдаланиши;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Хар бир оддий акция акциядорга бир хил ҳажмдаги ҳуқуқларни беради. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

6.3. Банк акциядорларининг мажбуриятлари:

мазкур уставда кўрсатилган тартибда, миқдорда ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;

мазкур устав ва қонунчилик талабларига риоя қилиш;

қонунчилик ва мазкур уставда белгиланган тартибда Банк бошқарув органлари қарорларига амал қилиш;

банк ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни, шунингдек бошқа банк махфий ҳужжатларининг (маълумотларининг) таркибини ошкор қилмаслик;

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Банк томонидан сўралган маълумотларни тақдим этиш.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур уставга мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам оладилар.

VII. БАНК ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Банкнинг фойдаси Банк фаолиятининг барча турлари бўйича олинган даромадларидан - операцион харажатлар, моддий ва шунга ўхшаш харажатлар, шунингдек активлар бўйича яратилган захираларини чегириб ташлаш йўли билан шакллантирилади.

7.2. Банк ўз фаолиятидан чексиз фойда олишга ҳақлидир.

7.3. Тегишли солиқлар, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қолган фойда акциядорларнинг умумий йиғилишида белгиланган тартибда ишлатилади.

7.4. Дивидендаларни тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади.

7.5. Дивиденд Банк акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан пул маблағлари ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа тўлов воситаси ёки қимматли қоғозлар кўринишида тўланиши мумкин. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан кечиктирилиши мумкин эмас.

7.6. Дивидендларни тўлаш қонунчиликда таъқиқланган ҳолларда, Банк томонидан акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши таъкикланади.

7.7. Бошқа маблағлар бўлмаган тақдирда, Банк зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда захира фонди ҳисобидан қопланади.

VIII. БАНКНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ ВА КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ

8.1. Банкнинг ўз маблағларини қуйидагилар ташкил этади:

устав капитали;

қўшилган капитал;

захира фондлари;

тақсимланмаган фойда;

Банк фаолияти учун зарур бўлган, бошқа даромадлар ҳисобидан ташкил этиладиган ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фондлар;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа маблағлар.

8.2. Банкда Устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади.

Банкнинг захира фонди ушбу бандда белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йиллик соф фойдадан камида 5 (беш) фоиз миқдорида мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8.3. Банкнинг соф активлари қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида аниқланади.

8.4. Банкнинг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

устав капитали, захира ва бошқа фондларнинг маблағлари;

мижозларнинг Банкдаги ҳисобрақамларидаги маблағлари, шу жумладан муддатли омонат ва депозитлари;

бошқа банклардан, шу жумладан хорижий банклар, халқаро молия институтлари, шунингдек хорижий мамлакатлардан олинган кредит ва қарзлар;

имзоланган битимлар ва шартномаларга мувофиқ ташкилотлардан, шу жумладан хорижий ташкилотлардан жалб қилинган маблағлар;

корпоратив облигациялар, еврооблигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш натижасида жалб қилинган маблағлар;

конун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа жалб қилинган маблағлар.

Банкнинг тақсимланмаган фойдаси кредитлаш ресурси сифатида ишлатилиши мумкин.

IX. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

9.1. Банкнинг Бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув кенгаши;

Банк Бошқаруви (Ижроия органи).

X. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

10.2. Банк акциядорларининг Йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

10.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Банк кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига қуйидагилар киради:

1) Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уставни янги таҳririни тасдиқлаш (банк устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бундан мустасно);

2) Банкни қайта ташкил этиш;

3) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатув комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Банк Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Банкнинг устав капиталини камайтириш;

7) Банк томонидан ўз акцияларини сотиб олиш;

8) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

9) Банкнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.

10) Банкнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

11) Банкнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

12) Банк Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

13) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

14) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

15) Банк акцияларини майдалаш ва йириклаштириш;

16) қонунчиликда назарда тутилган холларда йирик битимлар тузиш ва банкнинг аффилланган шахслари билан (боғлиқ шахслар билан) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

17) Банк Кузатув кенгашининг тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори, тартиби ва тўлов шаклини белгилаш;

18) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

19) қонунчиликда, мазкур уставда ва Банкнинг бошқа ички норматив ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

10.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили томонидан амалга оширилади. Банк

Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг вакиллари сифатида иштирок этишлари мумкин эмас.

10.7. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш “Банкнинг битта овоз берувчи акцияси – битта овоз” тамойили асосида ўтказилади, Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун кумулятив овоз бериш ҳоллари бундан мустасно.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш бюллетенлар орқали амалга оширилади.

10.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

10.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.11. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар конунчилик, мазкур устав ва Банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

XI. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Банкнинг кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

11.2. Банкнинг кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

11.3. Банк кузатув кенгаши ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига, ушбу уставга ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банк Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

11.4. Банк Кузатув кенгаши ваколатига қуйдаги масалалар киради:

1) Банк ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият Банк бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Банк акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонун ҳужжатларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини таёрлаш;

4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

6) Корпоратив бошқарув хизмати фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

7) Банк мулкининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8) Банкнинг ижро органини (бошқарувини) шакллантириш, банк бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9) Банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Банкнинг келгуси йил учун бизнес-режаси Банк Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

10) Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш, Банкнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

11) Банк бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк бошқарувидан олиш. Банк кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

12) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

13) Банк тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

14) Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисида тавсиялар бериш;

15) Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

16) Банк филиалларини ташкил этиш, Бакнинг ваколатхоналари ва бошқа бўлинмаларини очиш, уларни тугатиш, филиаллар ва ваколатхоналар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

17) Банкнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

18) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар, Банкнинг аффилланган шахслари (боғлиқ шахслар) билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

19) Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

20) Банк томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шунингдек уларни сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш, ҳосилавий қимматли қоғозлар, депозит

сертификатлари ва бошқа қарз мажбуриятларини чикариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Банк уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

22) қонун ҳужжатларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

23) Банкнинг Бошкарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари ва тартибини белгилаш;

24) Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

25) Банк акцияларини ва эмиссия рисоласини чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш, ҳамда аввал рўйхатдан ўтказилган акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш;

26) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

27) активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

28) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

29) Банкнинг молиявий ҳолатни тиклаш режаларини тасдиқлаш;

30) Банк бошқаруви фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

31) Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

32) Банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

33) Банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

34) Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

35) бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

36) йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

37) Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

38) қонун ҳужжатларига, ушбу уставга ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ Банк Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банкнинг Бошкарувига ўтказилиши мумкин эмас.

11.5. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ низоларнинг келиб чиқишини олдини олиш ва уларни ҳал қилиш мақсадида, Банкнинг бошқарув органлари, Банк Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган, манфаатлар тўқнашуви ҳолатларида хатти-ҳаракатлар тартиби тўғрисидаги низомга амал қилишади.

11.6. Банк Кузатув кенгашининг таркиби 5 (беш) кишидан, шу жумладан Кузатув кенгашига раҳбарлик қиладиган Банк Кузатув кенгаши Раисидан иборат. Банк Кузатув кенгаши аъзолари акциадорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга кумулятив овоз бериш йўли билан сайланади.

Банк Кузатув кенгашига сайланган шахслар муддатсиз қайта сайланишлари мумкин.

11.7. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги Банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Банккда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Банкнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

11.8. Банк Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу Кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Банкнинг Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

11.9. Банк Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Банк Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.10. Банк Кузатув кенгашининг мажлиси Банк Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк Бошкарув аъзосининг, шунингдек акциядор талабига кўра чақирилади.

Агар Банк Кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этса, Банк Кузатув кенгашининг йиғилиши ваколати ҳисобланади (кворумга эга). Банк Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинади.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш ва уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор Банк Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Банк Кузатув кенгаши йиғилишида масалаларни ҳал қилишда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Банк Кузатув кенгашининг битта

аъзосининг овозини Банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ўтказишига йўл қўйилмайди. Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.

Агар Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлса, Банк Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

11.11. Банк Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.12. Банк Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўз вазифаларини бажараётган даврда иш ҳақи, шунингдек ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш ҳуқуқига эга. Бундай мукофот ва компенсация миқдори акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

XII. БАНК БОШҚАРУВИ (ИЖРОИЯ ОРГАНИ)

12.1. Банк бошқаруви банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ Банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

12.2. Банк бошқаруви 11 (ўн бир) аъзодан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йиғилиши ҳамда Банк Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига кирадиган масалалардан ташқари, барча масалаларни ечиш ваколатига эга.

12.3. Банк Бошқаруви таркибига Банк Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари билан биргаликда Банк Кузатув кенгашининг қарорига биноан Банкнинг асосий таркибий бўлинмалари рахбарлари киради.

12.4. Банк Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилади. Банк бошқаруви банк Акциядорларининг умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига ҳисобдордир. Банк Бошқаруви қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган ижроия орган тўғрисидаги низом асосида фаолият юритади.

12.5. Банк Бошқарувининг раиси ва унинг ўринбосарлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда Банк Кузатув Кенгаши йиғилишининг қарори билан тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Банк Бошқарувининг қолган аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш Банк Кузатув кенгаши қарори билан амалга оширилади.

Банк Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси банк номидан Банк Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномалари Банк Бошқаруви раиси томонидан имзоланади.

12.6. Банк Бошқарувининг мажлислари заруратга қараб ўтказилади.

12.7. Банк Бошқаруви, агар унинг мажлисида 75 фоиздан кўпроқ аъзолари қатнашаётган бўлса, кун тартибидаги масалаларни тўлиқ ҳал қилишга ҳақлидир.

12.8. Банк Бошқаруви йиғилишида қарорлар мажлисда қатнашган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Йиғилишда масалаларни ҳал қилишда Банк Бошқарувининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлганда, Банк Бошқаруви раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Ушбу уставнинг 12.11-бандининг “к” кичик бандида кўрсатилган масала бўйча қарор Бошқарувнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

12.9. Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарор билан рози бўлмаган Бошқарув аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини Банк Кузатув кенгашига билдиришлари мумкин.

12.10. Банк Бошқаруви йиғилишлари Бошқарув раиси томонидан ташкил этилади. Бошқарув йиғилишида мажлис баёни юритилади, унга йиғилишда қатнашган Банк Бошқаруви аъзолари имзо қўяди. Банк Бошқаруви мажлисининг баённомалари Банк Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига биноан тақдим этилади.

12.11. Банк Бошқарувининг ваколатлари (вазифалари):

а) стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириш;

б) Банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

в) Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

г) Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк Акциядорларининг умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этиши;

д) Банкнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, ходимларнинг лавозими тавсифларини тасдиқлаш;

е) Банкнинг ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;

ж) Банкнинг шўъба корхоналарини, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

з) Банкнинг ривожланиш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини амалга ошириш;

и) Акциядорлар умумий йиғилишида ёки Банк Кузатув кенгашида кўриб чиқишга мўлжалланган масалаларни мазкур уставга мувофиқ олдиндан кўриб чиқиш, тегишли материаллар, таклифлар ва улар бўйча қарор лойиҳаларини тайёрлаш;

к) ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ёки бегоналаштириш билан боғлиқ битимни тузиш (агар битим тузиш масаласида якдилликка эришиш мумкин бўлмаса, Банк Бошқаруви қарори билан битим тузиш масаласи ҳал қилиниши учун Банк Кузатув кенгашига юборилиши мумкин);

л) ўз ваколати доирасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни белгиланган муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кузатув кенгашига тақдим этиш;

м) ўз ваколатлари доирасида Банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

н) ходимларга иш ҳақини тўлаш шакллари ва рағбатлантириш тизимини белгилаш;

о) мазкур уставда ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

12.12. Банк Бошқаруви раисининг ваколатларига қуйдагилар киради:

а) Банк фаолиятига оид масалаларни ҳал этиш, Банк уставига мувофик умумий йиғилиш, Кузатув кенгаши ва Бошқарув ваколатига кирган масалалар бундан мустасно;

б) ишончномасиз, Банк номидан иш юритади, республиканинг барча идоралари ва ташкилотларида, шунингдек бошқа давлатларда Банкнинг барча масалалари бўйча Банк номидан иш юритади;

в) шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади;

д) мазкур уставга мувофиқ Банк мол-мулкини бошқаради, ишончномалар беради;

е) Банк, унинг филиаллари ва ваколатхоналарининг штатлар таркибини тасдиқлайди;

ф) Банкнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва буйруқ беради;

ж) Банк филиали ва ваколатхонаси бошлиғини тайинлайди;

г) қонун ҳужжатларига ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ Банк фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

12.13. Банк ҳуқуқларини амалга ошириш ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банк Бошкарув раиси ва Бошқарув аъзолари Банк манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар ва белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

XIII. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ. БАНКНИНГ МОЛИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

13.1. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш, шунингдек ҳужжатлар айланишини ва ҳужжатлар сақланишини ташкил қилиши шарт.

13.2. Банкнинг молиявий ҳисоботида акс эттирилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган маълумотлар, бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳисобрақамларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, банк ёки унинг акциядорлари билан мулкий манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган ташқи мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

13.3. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиш санасидан 10 (ўн) кун олдин Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши шарт.

13.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши санасидан камида икки ҳафта олдин, Банк Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит

ўтказилгандан сўнг, Ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланган йиллик молиявий ҳисоботларини эълон қилади (чоп этади).

13.5. Тафтиш комиссияси.

Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида акциядорларнинг умумий йиғилиши 1 (бир) йил муддатга Тафтиш комиссиясини сайлайди.

Бир шахс Тафтиш комиссиясига кетма-кет уч марта сайланиши мумкин эмас. Тафтиш комиссиясининг ишлаш тартиби акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган Банк Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом билан белгиланди.

Тафтиш комиссияси ҳисобот даврлари натижаларига кўра ва бошқа ҳолларда Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда текширади (тафтишни амалга оширади).

Тафтиш комиссияси текширувни ўтказиш натижалари тўғрисидаги хулосани акциядорларнинг умумий йиғилишига ёки Банк Кузатув кенгашига, агар керак бўлса, камчиликларни бартараф этиш бўйча тавсиялар билан бирга тақдим этади.

13.6. Банкнинг Ички аудит хизмати (Департаменти).

Банкнинг Ички аудит хизмати Банкнинг Кузатув кенгашига ҳисобот беради ва Банкнинг ижро органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини қонун ҳужжатлари, Банк устави ва бошқа ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш ва мониторинг қилиш орқали амалга оширади, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги, хўжалик операцияларини амалдаги қонунчилик доирасида ўтказилиши ва активларни бутлигини, шунингдек жамият томонидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиниши таъминлайди.

Банкнинг Ички аудит хизмати, шунингдек, банк томонидан устав капиталидаги 50 (эллик) фоизидан юқори улуш эгалик қилинаётган юридик шахслар билан амалга ошириладиган операцияларни ҳам назорат қилади.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатлари ва банкнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

13.7. Аудиторлик ташкилоти

Банк фаолияти ҳар йили аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига ва Марказий банк томонидан тижорат банкларида аудит ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширади ва у билан тузилган шартномага мавофиқ қонунда белгиланган тартибда аудиторлик хулосасини тақдим этади.

XIV. БАНК ФИЛИАЛЛАРИ, ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА БОШҚА АЛОҲИДА БЎЛИНМАЛАРИ, УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1. Банк Марказий банкнинг руҳсати билан Ўзбекистон Республикасида филиаллар ташкил этиши, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиши мумкин.

14.2. Банк филиали банкнинг юридик шахс бўлмаган, Банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмасидир.

14.3. Банкнинг филиаллари Банк Кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этилади ва ёпилади. Филиаллар ўз фаолиятини Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширади.

14.4. Филиал раҳбари ва бош ҳисобчиси қонунчиликда белгиланган тартибда Банк Бошқарув Раиси томонидан тайинланади. Филиал раҳбарлари Банк Бошқарув Раиси ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Банк филиали тўлиқ фирма номи ёзилган ва ўзининг эмблема (логотипи) тасвирланган юмалоқ муҳр ва визуал идентификация воситалари, бурчак штампи ва фирма бланкларига эгадир.

14.5. Банк ваколатхонаси Банк жойлашган ҳудуддан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилинишини таъминлайдиган алоҳида бўлинмаси ҳисобланади. Банк ваколатхонаси банк операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас. Банк ваколатхонаси қонунчиликка мувофиқ очилади ва тугатилади. Банк ваколатхонасини очиш, тугатиш, шунингдек унинг тартибини тасдиқлаш Банк Кузатув кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

14.6. Банк, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган тартибга асосан чет элда шўъба банклар ҳамда филиаллар ва (ёки) ваколатхоналар очиши, банклар капиталида иштирок этиши, шу жумладан хорижий банкларни ташкил этишга ҳақлидир.

XV. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг руҳсати билан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

15.2. Фаолиятни тўхтатиш ва тугатиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

Акциядорлар умумий йиғилишининг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори;

Марказий банк Бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарори;

15.3. Банкни тугатиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Тугатиш комисссиясини тайинлаш тўғрисидаги қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Марказий банк банк билан дастлабки келишилган ҳолда қабул қилинади. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб банкни бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади.

15.4. Банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисидаги хабар белгиланган тартибда матбуотда эълон қилинади.

XVI. УСТАВГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

16.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори ва Кузатув кенгашининг ваколатлари доирасида Банк Уставига киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Марказий банк томонидан рўйхатга олинади.

16.2. Мазкур уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки уставнинг янги таҳрири давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

16.3. Мазкур уставнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келган ҳолларда, уставга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар улар ўз кучини йўқотади. Ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар қонунчиликда ўрнатилган тартибга асосан амалга оширилади.

Устав (21) + Проток ОСА №1 (9) + Письмо Ишметова в ЦБ (1) = 31 стр

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”
№ 22-2 «19» октябрь 2020 йил

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари

_____ Б.Э. Захидов

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“Ўзмиллийбанк” АЖ
Кузатув Кенгашининг
09.10.2020 йилдаги 34-сонли
баёни билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзмиллийбанк” АЖ Кузатув кенгаши
Раиси, Молия вазирининг
биринчи ўринбосари

_____ О.З. Насритдинходжаев

Тошкент – 2020 йил.

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти уставига киритилган ўзгартиришлар матни:

1. **4.2-банд қуйиидаги таҳрирда баён этилсин:**

“4.2 Банкнинг устав капитал миқдори 11 978 074 379 000 (ўн бир триллион тўққиз юз етмиш саккиз миллиард етмиш тўрт миллион уч юз етмиш тўққиз минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 11 978 074 379 (ўн бир миллиард тўққиз юз етмиш саккиз миллион етмиш тўрт минг уч юз етмиш тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий жойлаштирилган акциялардан иборат.”.

2. **4.3-банд қуйиидаги таҳрирда баён этилсин:**

“4.3 Банкнинг эълон қилинган (қўшимча) чиқарилиши мумкин бўлган акцияларнинг энг кўп миқдори 500 000 000 (беш юз миллион) дона номинал қиймати 1 000 (минг) сўмлик оддий акциялар ташкил қилади.”

Бошқарув раиси **А.Мирсоатов**

Тикилган ва рақамланган

97 (йигирма етти)

варақдан иборат

19 октябрь **2020 йил**

Имзо _____